

Ўзбекистон Республикаси номидан

Х У К М

2019 йил XXXX **Protected by PDF Anti-Copy Free** Нукус шаҳри

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси И.Калниязовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Джуманиязовнинг котибалигида, давлат айбловчиси Нукус шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси Б.Агытаев, жабрланувчилар XXXX, вояга етмаган судланувчи XXXX, педагоги XXXX, қонуний вакили ва фуқаровий ҳимоятчи XXXX ҳамда ҳимоячи адвокати XXXX иштирокида,

дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган вояга етмаган XXXXга оид XXXX-сонли жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида кўрди.

XXXX, 2005 йил 03 март куни XXXX туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, бўйдоқ, Нукус шаҳри XXXX ўрта таълим мактабида 10а-синф ўқувчиси, партиясиз, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, Нукус шаҳри “XXXX” МФЙ, Ой овули рақамсиз уйда яшайди, 2019 йил XXXX куни шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил XXXX куни олган.

Суд, суд мажлисида вояга етмаган судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини, вояга етмаган судланувчи, унинг қонуний вакили, жабрланувчилар, давлат айбловчиси ва ҳимоячи адвокатнинг музокара сўзларини, вояга етмаган судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Вояга етмаган XXXX ўғирлик, яъни уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил XXXXкунидан XXXXкунига ўтар кечаси соат 02:00 ларда Нукус шаҳри, XXXXкўчаси 50-уйда яшовчи XXXX яшаш уйининг ойнаси очик турганидан фойдаланиб, ойнадаги сеткани қўллари билан олиб ғайриқонуний равишда ичкарига кириб, уйдагилар ухлаб ётганидан фойдаланиб, уларга сездирмасдан мехмонхонасидаги турган XXX тегишли аёллар сумкаси ичидан 230.000 сўм ва ётоқхонага кириб тумбочка устида турган XXXX қизи XXXX тегишли 1 дона ўртача бозор баҳоси 25.000 сўмлик кулранг аёллар косметика маҳсулотларини солиб қўядиган сумкасини ва XXXX тегишли 50.000 сўм пулларини яширин равишда талон-торож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яширинган. Натижада фуқаро XXXX жами 280.000 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган XXXX ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Бундан ташқари юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган XXXX такроран ўғрилиқ, яъни уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил XXXXқунидан XXXXқунига ўтар кечаси соат 03:00 ларда Нукус шаҳри, XXXXқунида яшовчи XXXXяшаш уйининг ойнаси очик турганидан фойдаланиб, ойнадаги сеткани қўллари билан олиб ғайриқонуний равишда ичкарига кириб, уйдаги ухлаб ётганидан фойдаланиб, уларга сездирмасдан ётоқхонадаги шкафта турган XXXXнинг қизи XXXтегишли аёллар сумка ичидан 1.000.000 сўмлик ва 1 дона ўртача бозор баҳоси 60.000 сўмлик “Samsung Duos” русумли қўл телефонини яширин равишда талон-торож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб фуқаро XXXX жами 1.060.000 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган XXXX ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Бундан ташқари юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган XXXX такроран ўғрилиқ, яъни уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил XXXXқунидан XXXXқунига ўтар туни соат 04:00 ларда Нукус шаҳри, XXXX 31-уйда яшовчи XXXXяшаш уйининг ойнаси очик турганидан фойдаланиб, ойнадаги сеткани қўллари билан олиб, ғайриқонуний равишда ичкарига кириб, уйдагилар ухлаб ётганидан фойдаланиб, уларга сездирмасдан ётоқхонада зарядда турган 1 дона ўртача бозор баҳоси 70.000 сўмлик “Samsung J-2” русумли телефонини, 1 дона 15.000 сўмлик “Samsung” русумли заряд берувчи ускунасини ва трюмо устида турган XXXXтегишли ўртача бозор баҳоси 300.000 сўмлик 1 дона аёллар қўл сумкасини ва ичида бўлган ўртача бозор баҳоси 120.000 сўмлик 1 дона аёллар кошелёгини, 1 дона ўртача бозор баҳоси 50.000 сўмлик “Oriflaem” номли помадасини, 1 дона ўртача бозор баҳоси 80.000 сўмлик ёзги кўз ойнагини, 1 дона 10.000 сўмлик купюрадаги пулини, 1 дона ўртача бозор баҳоси 30.000 сўмлик аёллар ойнасини, 1 дона ўртача бозор баҳоси 20.000 сўмлик аёллар тароғини, 1 дона “Хамкор банк”га тегишли пластик картасини, 2 дона хар бирининг ўртача бозор баҳоси 2.500 сўмлик жами 5.000 сўмлик “Nwork” кофе махсулотини, 2 дона савдо қилганлиги бўйича чекларини, 2 дона ўртача бозор баҳоси 5.000 сўмлик оқ-қора изоленталарини, ўртача бозор баҳоси 2.500.000 сўмлик 1 дона аёллар бриллиант узугини, 1 дона олтиндан ясалган ўртача бозор баҳоси 800.000 сўмлик никоҳ узугини, хар бирининг ўртача бозор баҳоси 200.000 сўм бўлган жами 400.000 сўмлик 2 дона аёллар кумиш узукларини, ўртача бозор баҳоси 1.000.000 сўмлик 1 жуфт аёллар зирақларини ва кошелёк ичида бўлган XXXX уйининг калитларини, савдо қилгани учун 1.000 сўм қайтимга қайтариб берган 4 дона конфет махсулотлари, ўртача бозор баҳоси 15.000 сўмлик 1 дона кичкина темир қайчисини, 1 дона ўртача бозор баҳоси 5.000 сўмлик ручкасини, 1 пачка ўртача бозор баҳоси 5.000 сўмлик нам салфеткаларини, ўртача бозор баҳоси 3.000 сўмлик 1 дона томчи дори-махсулотини, температурани қайтарадиган 3 пачка ва дамлаб ичадиган 2 пачка дори воситаларини, иккинчи ётоқхонасидан 1 дона ўртача бозор баҳоси 120.000 сўмлик “Samsung Note 10.1” русумли планшет ускунасини ва тумбочка устида турган 30.000 сўм пулларини яширин равишда талон-торож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб фуқаро XXXX жами бўлиб 5.614.000 сўм моддий зарар келтирган.

килиш мақсадида 2019 йил XXX кунидан 04 август кунига ўтар туни, соат 02:00 ларда Нукус шаҳри XXXX яшовчи XXXXнинг яшаш уйининг ойнаси очик турганидан фойдаланиб, ойнадаги сеткани қўллари билан олиб, ғайриқонуний равишда ичкарига кириб, уйдагилар ухлаб ётганидан фойдаланиб, уларга сездирмасдан уйна кириш жойида турган XXXX тегишли 1 дона ўртача бозор баҳоси 150.000 сўмлик кичгина болалар учун мўлжалланган велосипедни яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб фуқаро И.Утегеновга 150.000 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган XXXX ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари, юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган XXXX такроран ўғрилик, яъни уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2019 йил XXX ўтар туни соат 03:00 ларда Нукус шаҳри XXX кўчаси 132-уйда яшовчи XXXX яшаш уйи ойнаси очик турганидан фойдаланиб, ойнадаги сеткани қўллари билан олиб, ғайриқонуний равишда ичкарига кириб, уйдагилар ухлаб ётганидан фойдаланиб, уларга сездирмасдан, ётоқхонада жойлашган трюмо ичидан XXXX тегишли “Кобальт” русумли автотранспортга тегишли 1 дона ўртача бозор баҳоси 3.000.000 сўмлик калитини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб XXXXX 3.000.000 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган XXXX ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган XXXX такроран ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида 2019 йил XXXX кунига ўтар туни, соат 03:30 ларда Нукус шаҳри XXXX кўчаси 62-уй олдида турган XXXXўғлига тегишли “Дамас” русумли давлат рақам белгиси XXXX автотранспортининг йўловчи ўтирадиган эшиги ойнасини қўллари билан тортиб очиб, 1 дона ўртача бозор баҳоси 4.500 сўмлик шаққи пичоғини олиб, шу пичоқ билан ҳайдовчи ўриндиғининг тепасида жойлашган қутисинининг кулфини бузмасдан очиб ичида бўлган 500.000 сўм пулларини, 1 дона ўртача бозор баҳоси 4.000 сўмлик кўрқинчли қиёфадаги маскасини ва автотранспортининг бардачегидан 1 дона ўртача бозор баҳоси 2.000 сўмлик 1 метрлик ўлчагичини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб XXXX 510.500 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган XXXX ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари, юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган XXXX такроран ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида 2019 йил 03 август кунидан 04 август кунига ўтар туни, соат 04:00 ларда Нукус шаҳри XXXX 6-уй олдида турган XXXX тегишли “Нексия” русумли давлат рақам белгиси XXXX автотранспорти эшиги очик турганидан фойдаланиб автотранспортнинг бардачегини ичидаги 200.000 сўм пулларини ва автотранспортнинг замогидан “Нексия” автотранспортга тегишли 1 дона ўртача бозор баҳоси 100.000 сўмлик калитини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб XXXX 300.000 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган ХХХХ ўзининг юқоридаги жинойй ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари, юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган ХХХХ такроран ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 03 август кунидан 04 август кунига ўтар туни, соат 04:00 ларда ХХХХ турган ХХХХ тегишли “Матиз” русумли давлат рақам белгиси ХХавтотранспорти эшиги очик турганидан фойдаланиб, автотранспорт ичига кириб бардачегидан 50.000 сўм пулларини ва автотранспортнинг замогидан “ХХХХ” автотранспортига тегишли 1 дона калитини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб фуқаро ХХХХ50.000 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган ХХХХ ўзининг юқоридаги жинойй ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган ХХХХ такроран ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 04 август куни соат 19:00 ларда Нукус тумани ХХХ кўчаси рақамсиз уйда яшовчи ХХХ тегишли “Кобальт” русумли давлат рақам белгиси 95 077 АВА автотранспорти Нукус шаҳри 22 кичик туман “Екореп” акфа цехи олдида очик турганидан фойдаланиб, бардачегида бўлган 1 дона ўртгача бозор баҳоси 25.000 сўмлик “Jeep” номли барсеткасини ва барсетка ичида турган 1.600 АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йил август ҳолати бўйича 1 АҚШ доллари сумга нисбатан 8666,71 сўмни ташқил қилган), яъни 13.866.736 сўм пулларини, автотранспортнинг тезликни ошириш ускунасининг устидан 200.000 сўм пулларини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яшириниб ХХХХ 14.091.736 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган ХХХХ ўзининг юқоридаги жинойй ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган ХХХХ ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автотототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш мақсадида 2019 йил 04 август куни соат 19:00 ларда Нукус тумани “ХХХХ” ОФЙ, Узункол массив кўчаси рақамсиз уйда яшовчи ХХХХ тегишли “Кобальт” русумли давлат рақам белгиси ХХХХ автотранспорти Нукус шаҳри 22 кичик туман “Екореп” акфа цехи олдида автотранспорт очик турганидан фойдаланиб, бардачегида бўлган 1 дона 25.000 сўмлик “Jeep” номли барсеткасини ва барсетка ичида ХХХХ тегишли 1 дона фуқароли паспортини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яширинган.

Шундай қилиб, вояга етмаган ХХХХ ўзининг юқоридаги жинойй ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Бундан ташқари юқоридаги ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан вояга етмаган ХХХХ такроран ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2019 йил 01 сентябрь кунидан 02 сентябрь кунига ўтар туни соат 01:00 ларда Нукус шаҳри ХХХХолдида турган “Нексия” русумли давлат рақам белгиси бўлган ХХХХ автотранспортнинг ойнасини қўллари билан

пастга тушириб очиб, автотранспорт ичига кириб бардачёгида бўлган XXXX тегишли 150.000 сўм пулларини ва 1 дона ўртача бозор баҳоси 25.000 сўмлик аёллар кошелёни, шу кошелёнида бўлган 300 АҚШ долларини (Ўзбекистон XXXX 2019 йил август ҳолати бўйича 1 АҚШ доллари сумга нисбатан 8666,71 сумни ташкил қилган), яъни 2.600.013 сўм пулларини, 1 дона “Авто мактаб кечги ва кундизги ўқув курсларига таклиф қилади” ва 1 дона “Халқ табобати маркази” визит карталарини, 1 дона “Vun... mark” ва “Good карта” пластик карталари ва 2 дона “Ucell” ва “Мегафон” карталарига тегишли сим картанинг ташқи пласт карталарини, жабрланувчи Т.Р...а номига берилган 1 дона ичида 700.000 сўми бўлган “XXXX”, 1 дона XXXX... дона “Сбербанк”, 1 дона “Золотая корона” пластик карталарини яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа содир бўлган жойидан яширин XXXX 3.450.013 сўмлик моддий зарар келтирган.

Шундай қилиб, вояга етмаган XXXX ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир этган.

Суд мажлисида вояга етмаган судланувчи XXXX қонуний вакили XXXX, педагог-психолог XXXX ва ҳимоячи адвокати XXXX иштирокида сўрок қилинганда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлик билдириб, ўзи Нукус шаҳридаги 16-сонли ўрта таълим мактабда таълим олишини, ҳозирги вақт 10 синфга ўтганини, оиласида ўзи ота-онам ва икки ака ва опалар билан бирга яшашини, акалари XXXX ишлашга бориб туришини, ўзи тенгдошларини кўрса улар ҳар ҳил телефонларни фойдаланишини, пуллари кўп бўлишини, аммо ўзида шундай телефонлари йўқлигини кўриб қизиқсиниб юрганини, ўғирлик қилганининг сабаби ҳам шу эканини, 2019 йил XXXX куни уйида бўлганини, соат 19:00 ларда уйдан кўчадан айланиб келаман деб чиқиб синфдоши XXXX уйига борганини, борса унинг дадаси XXXX, акаси Тошкент шаҳрига ишлашга кетганини билганини, XXXX уйида бир ўзи бўлганини, шу билан унинг уйида гаплашиб ўтирганини, кейин иккаласи яъни XXXX билан унинг уйида соат тунги 01:30 ларгача гаплашиб ўтирганини, кейин XXXX га ўғирлик қилайлик деб айтганини, кейин у рози бўлиб майли деб бирга унинг уйдан чиққанини, соат 02:00 ларда Нукус шаҳри, XXXX кўчасига борганини, ўзи XXXX бир уйни кўрсатиб шу уйга ўғирликка кирамиз деб айтганини, у рози бўлмаганини, кейин XXXX қочиб кетиб қолганини, ўзи XXXX кўчасидаги нотаниш уйнинг ёнига бориб ён атрофига қараса ҳеч ким йўқ бўлиб, уй эшиги қулфланиб турганини кўрганини, кейин уйнинг ойнаси очиқ турганини кўрганини ойнасининг сеткасини қўллари билан олиб ичкарига кирганини, кирса уйда ҳеч ким йўқлигини кўрганини, хоналарни тинтиб 1 дона каробкага ўхшаш аёллар қўл сумкасини, хонадаги вешалкага қистирилиб турган сумка ичидан ҳар ҳил купюрадаги пулларни олиб чўнтагига солиб чиқиб кетганини, аммо ўғирлаган пулларни санамаганини, уйдан кирган ойнадан сакраб чиқиб кетганини, шу уйдан чиқиб, 2019 йил XXXX кунидан XXXX кунига ўтар туни соат 03:00 ларда тўғрисидаги нотаниш уйни кўрганини, кейин шу уйга ҳам ўғирлик қилиш фикри пайдо бўлганини, шу уйнинг ойнасига қараса ойнаси очиқ турганини кўрганини, сеткасини қўллари билан олиб ичкарига кирганини, кириб тўғрисидаги хонага ўтган вақти шифонер турганини кўрганини, шифонер ичида аёллар сумкаси бўлганини, шу сумкани очиб қараганида 5.000 сўмлик купюрадан 1 пачкага етмас пуллари борлигини кўрганини, пулларни олиб ёнида турган полкаларини тинтиб кўрганида 1 дона “Samsung” русумли қўл телефони бор эканини кўриб уни олиб чўнтагига солиб кирган ойнасидан ташқарига чиқиб кетиб қолганини, кейин нарсалар ва пулларни олиб ўзининг

Ўғирлигини давом этиб 2019 йил XXXXкунидан XXXXкунига ўтар туни соат 04:00 ларда кўчаларни кезиб уйларга қараб юрганини, шу билан бир кўчаларга келиб бир уйни кўрганини, шу уйнинг ўйнари одик турганини ва ташқарисида сеткаси бор эканини кўрганини ва ён атрофга қараб ҳеч ким йўқ бўлганига секин билдирмасдан ойнаси ёнига (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) бориб секин кутарилиб сеткасини қўллари билан олиб ичкарига кирганини, уйда одамлар ухлаб ётганини кўрганини, шу билан шу нотаниш уй эгасининг ёнидан 1 дона “Samsung” русумли қўл телефонини олиб чўнтагига солганини, кейин шу жойдаги сўмлик сумкада турган аёллар қўл сумкасини ўзи билан кейинги хонага ўтган вақти уйнинг қўллари ётган жойда ерда 1 дона оқ рангли “Samsung” русумли планшет ускунасини кўрганини кўрганини ва шу планшетни ҳам олиб ёнида турган 1 дона “Samsung” русумли заряд берувчи ускунасини олиб кетганини, кейин шу хонада ерда сумка турганини кўрганини, сумка ичини очиб қараганида ичида 1 дона оқ рангли наушник борлигини кўриб шуни ҳам олиб, ичини кўрганида тахминан 1.000 сўмлик купюралардан 30.000 сўм пул борлигини кўриб пулларни ҳам олиб кирган жойидан чиқиб кетганини, ўғирликка тушган вақти уй эгалари ҳаммаси ухлаб ётганини, ўзи кирганини ҳеч ким сезмаганини, ўғирлаган нарсаларини кўчага олиб чиқиб кетганини, шу кўчанинг ўзида ўғирлаган 1 дона аёллар сумкасини очиб қараганида ичида ҳар хил нарсалар бор бўлганини, аммо ўзи шу нарсаларни олмасдан бировнинг уйи олдида ташлаб кетиб қолганини, кейин ўзи ўғирлаган нарсаларини олиб соат 04:30 ларда синфдоши XXX уйига борганини, уйга кириб нарсаларни XXXX кўрсатиб шу нарсалар ўғирланган нарсалар деб айтганини, кейин у уйига киргизиб нарсаларни кўрсатиб пулларни санаб кўрганида 300.000 сўм пул чиққанини, эртасига ўзи ўғирланган нарсаларни XXXX уйида қолдириб пулларни ва 1 дона “Samsung” русумли қўл телефонини олиб кетганини, эртасига ўғирланган 1 дона “Samsung” русумли қўл телефонини XXXX ишлатиб тур деб бериб кетдим, шу телефон ўғирлик эканини XXXXбилганини, ўғирланган 300.000 сўм пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганини, паркга борганини, овқатланганини, ўзига бир дона жемферни Катекс савдо комплексида сотиб олганини, жемферни уйига олиб бормаганини, кўчага ташлаб кетганини, ўғирлик жиноятларни содир қилиб бўлиб уйига бормасдан кўчаларда тунаб қолиб юрганини, 02 август куни соат 23:00 ларда Нукус шаҳри Амфитеартнинг ёнида бориб юрганида XXXX ичида концерт бўлаётганини кўрганини, ташқарида одамлар кўплигидан ёнида турган автотураргоҳга борганини, сабаби шу ерда автотранспортлар кўп бўлганини, кейин автомашиналарнинг эшиклари очик турган турмаганини текшириб кўрганида ҳаммаси қулф бўлганини, кейин ердан сим топиб оқ рангли “Нексия 2” автомашинасининг ёнига бориб йўловчи томондаги эшикнинг ойнасини бузмасдан симни тикиб очиб ичидаги бардачегидан 1 дона барсетка, 1 дона блакнот, 200.000 сўм пулни ва магнитофондан 1 дона 32 ГБлик флеш карталарини олиб музей худудидаги кўп қаватли уйларнинг орасига бориб, барсеткасини очиб қараганини ичида ҳайдовчилик гувоҳномаси билан фуқаролик паспорти борлигини кўриб барсетка билан қўшиб ташлаб кетганини, олган нарсаларни ўзи билан олиб кетиб ўз эҳтиёжларига ишлатганини, аммо 1 дона флеш картасини йўқотиб қўйганини, 2019 йил 03 август кунидан 04 август кунига ўтар туни соат 02:00 ларда XXXX томонга борганини, шу йўлда жойлашган XXXX кўчасига кириб ўғирлик қиламан деб юрган вақтида бир уйнинг ойнаси очик турганини кўрганини, шу билан ён атрофга қараб ҳеч ким йўқлигини билганини, ойнанинг ёнига борганида сетка турганини кўриб сеткасини қўллари билан олиб уй ичкарисига кирганини, кирган вақти ошхонага тушганини, кейин хоналарга ўтган вақти уйдагилар ухлаб ётганини кўрганини, ўзи уйғотиб оларман деб кўрқиб секин чиқиш эшигининг

ёнига борганида дарвоза олдида 1 дона кичкина болалар учун мўлжалланган велосипед турганини кўриб, эшикни очиб эшикдан велосипедни ҳайдаб чиқиб кетганини, кейин уйдан пул топа олмагани учун ўғирликни давом эттириш мақсадида 2019 йил 03 август кунидан 04 август кунига ўтар туни велосипедни ҳайдаб кейинги кўчага, яъни ХХХ кўчасига кириб ўғирлик қиламан деб юрганини, шу вақт соат 03:00 лар бўлганини, кейин бир уйнинг олдида борган велосипедни шу кўчага қолдириб кетганини, кейин қараса ойнаси акфа ром ясалган бўлиб ташқарисида сеткаси бор бўлганини, кейин ён атирофлар секин бориб сеткасини олиб пастга қўйиб ўзи ичкарига кирганини, уйга қарангаларни тинтиб кўрганида пул ёки қиммат баҳо нарсалар топа олмаганини, ётоқхонага кириб тумбочкани текшириб кўрганида ичида 1 дона “Кобальт” автомашинасининг калити турганини кўриб шу калитни олиб кирган ойнасидан чиқиб кетиб қолганини, шу билан шу уйдан пул топа олмагани сабабли бошқа уйга ўғирликга тушиб пул топиш мақсадида кейинги кўчага ўтганини, кўчада кетаётиб ўғирлаб олган Кобальт автомашинасига тегишли калитни ариқга отиб кетганини, шу уйдан қимматбаҳо нарса ёки олтин, пуллар топа олмагани учун кейинги кўчаси, яъни ХХХХ кўчасига ўтганини, қараса бир уй олдида “Дамас” русумли автомашина турганини кўрганини, атрофда ҳеч ким йўк бўлганини, шу вақт 2019 йил 03 август кунидан 04 август кунига ўтар туни соат 03:30 лар бўлганини, кейин “Дамас” автомашинасининг ёнига бориб атрофга қараганини, атрофда ҳеч ким бўлмаганини, секин автомашинанинг ёнига бориб эшикларини очиб кўрганини, аммо эшиклари ёпиқ турганини, кейин йўловчи минадиган эшигининг ёнига бориб қўллари билан тортиб ойнасини очиб, қўлини тикиб эшикни очганини ва автомашинанинг олдинги эшигини очиб ичкарига кириб ўтирганини, бардачогни очиб қараганида ичида 1 дона метр борлигини кўриб шуни олиб пастга қараганида ичида 1 дона “Шаққи” очилиб ёпиладиган пичоғи турганини кўрганини, уни олиб автомашинанинг ҳайдовчи ўтирадиган жойининг тепасида қулфланган бар борлигини кўрганини, пичоғни олиб қулфини бузмасдан очиб ичини қараганида 1 дона кўрқинчли қиёфадаги маска бор эканини кўриб уни олиб, бар ичига қўлини тикиб қараганида ичида 30.000 сўм пул борлигини кўрганини, шу пуллар ҳар ҳил купюрада бўлганини, кейин автомашинадан тушиб нарсаларни олиб кетганини, ўғирлаган пуллари кам бўлганлиги сабабли такроран ўғирлик қилиш керак бўлиб, 2019 йил 03 август кунидан 04 август кунига ўтар туни соат 04:00 ларда икки кўча ўтиб бир кўчага келганини, аммо шу кўчанинг номини билмаслигини, шу кўчани қараб юрганида бир икки қаватли уйнинг олдида “Нексия” ва “Матиз” русумли автомашиналар турганини кўрганини, ҳар доимгидек ён атирофларга қараганида ҳеч ким йўқлигини кўрганини, биринчи бўлиб “Матиз” автомашинасининг ёнига борганини, қараса ойнаси очиқ турганини кўрганини, эшигини очиб кўрганида бардачокда ҳар ҳил купюрадаги пуллар бор эканини кўрганини ва шу пулларни олиб санамасдан чўнтагига солиб, автомашинанинг калитини олиб қўйганини, “Нексия” автомашинасига борганида унинг ҳам эшиги очиқ турганини, кейин бардачокни очиб ичидаги ҳар ҳил купюрдаги пулларни олиб чўнтагига солганини, кейин шу автомашинанинг калитини ҳам олганини, соат 04:50 лар бўлиб қолганини, кун чиқиб келаётганига биров кўриб қолади деб кетиб қолганини, йўлда кетаётган вақтида “Дамас” автомашинасидан ўғирлаб олган кўрқинчли қиёфадаги маскани кўчага отиб кетганини, кейин йўл бўйлаб кетаётиб “Нексия” ва “Матиз” автомашинасининг калитини дарахтга қистириб кетиб қолганини, ўғирлаган пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганини, 2019 йил 04 август кунини кечаси соат 19:00 ларда Нукус шаҳри 22-кичик туманга йўл олганини, қараса шу кетаётган жойда “Акфа” ромларининг икки қаватли иморати ва унинг

олдида оқ рангли Кобальт русумли автомашина турганини кўрганини, шу билан атрофларга қараганида ҳеч ким йўклигини кўрганини, шу автомашинанинг ёнига бориб эшигини тортиб кўрганида эшиги очишанини в.т.б. тез биров кўриб қўймасин деб бардачоғини очиб кўрганида 1 дона барсетка турганини кўриб барсеткани олиб, скоростью ёнида 1.000 сумлик кўпюрадаги 200.000 сўм пул борлигини кўрганини, кейин шу пулларни ва барсеткани олиб воқеа содир бўлган жойидан қочиб кетганини, кейин сал юрди қаватли уйларнинг ёнига бориб барсеткани очиб қараганида 1 дона фуқаролик паспорти бор бўлганини кўрганини, аммо шу фуқаролик паспорти кимга тегишлилигини кўрмаганини, шу паспорт сиртида обложкасининг орқа қисмида АҚШ долларлари бор эканини кўриб шу АҚШ долларни олиб санаб кўрганида 1200 АҚШ доллар бўлганини, кейин барсеткани ичига фуқаролик паспортини солиб кўчага отиб кетганини, пулларни олиб кетиб қолганини, кейин шу пулларни олиб ўз эҳтиёжига ишлатиб юборганини, 2019 йил 05 август куни кундуз куни Нукус шаҳри марказий дехқон бозорига бориб 600 АҚШ долларни ўзига нотаниш бир шахсга сўмга алмаштирганини, жами 5.190.000 сўм бўлганини, шу пулларимни олиб 2 кун давомида Нукус шаҳридаги паркларида бориб сарфлаганини, Нукус шаҳри туғиш хонаси томонига бориб йўлда турган ўзига нотаниш бўлган, тахминан 30-40 ёшдаги, қорадан келган, кўзи дўмоқ эрак шахснинг ёнига бориб унга Нукус шаҳри ХХХХ бекати томонга қараб “Спарк” автотранспортини бошқариб ҳайдаб берайин деб таклиф қилганини ва у ўзига эвазига бир бориб келиш 50.000 сўм пул бўлади деганини, шу билан ўзи рози бўлганини, кейин 10 маротаба бориб келганини, шу ҳар бир бориб келгани учун 50.000 сўмдан жами 500.000 сўм пул берганини, кечаси Нукус шаҳри ХХХ паркига бориб “Тир” отганини ва шу ердаги ўзига нотаниш бўлган 3 та ўзидан катта болалар билан танишиб қолганини, шу вақтлари улар ўзига исмларини айтганини, аммо ҳозир эсидан чиқиб қолганини, хуллас шу болаларни ўзи ХХХ ҳудудида жойлашган кафеларга олиб бориб ўз ҳисобидан овқатлантирганини, шу болаларнинг ичидан 1 дона “Huawei” русумли қўл телефонини 100 АҚШ доллар ва 400.000 сўм пул бериб сотиб олганини, кейин шу пулларнинг ҳаммасини ўз эҳтиёжларига ишлатиб бўлганидан сўнг ИИБ ходимларига ушланиб қолганини, ушланган вақти ўзида Кобальт автотранспортдан ўғирланган 500 АҚШ доллар ва тахминан 300.000 сум пуллар бор бўлганини, ХХХ куни кечаси уйдан қочиб кетиб қолганини, Нукус шаҳри Тошкент меҳмонхонасидан ўтиб Қорақалпоғистон кўчаси томонига ўтиб ХХХХ кўчасига ўтиб қолганини, соат 01:00 лар бўлганини, кейин шу кўчада сариқ рангли “Нексия” русумли автомашинани кўриб қолганини, бориб қараса ҳайдовчи томонидаги эшикнинг ойнаси очик турганини, шу ойнасидан қўлини тикиб эшикни очганини, бардачоғини очиб ичидаги аёллар кошелегини олиб ёнида турган 10.000 сўм пул бор бўлганини, шу нарса ва пулларни олиб ташқарига чиқиб кетиб қолганини, йўлда кошелекни очиб кўрганида ҳар ҳил пластик карталар бор эканини кўрганини, уларни олиб кўчага отиб кетганини, кошелекни ўзи билан олиб кетганини, шу пластик карталарнинг сони тахминан 8 дона бўлганини, жабрланувчилардан кечирим сўрашини қонун доирасида енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХХнинг айби унинг ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари қуйидаги ишга оид, мақбул ва суд мажлисида текшириш натижасида ҳақиқатга мос эканлиги тасдиқланган далиллар мажмуи билан тасдиқланади.

Жумладан суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ2019 йил ХХХХкуни ҳар кунгидек ҳамма кечда ишдан келиб овқатланиб кечаси кун иссиқ

бўлганига ташқарига чиқиб тўшак солиб ҳаммаси ётганини, уйда бирор бир одам ётмаганини, эртасига ўзининг хонасига кириб қараса хонаси яйраб ётганини кўрганини, шу билан қайроқ бўлиб болаларидан нима бўлди деб сўраганини, уларнинг ҳам хоналари яйраб ётганини кўрганини, кейин уйга ўғри тушганини билганини, кейин ўзининг хонасидаги сумкаси ичида турган ҳар хил купюрадаги 230.000 сўм пуллари ва 2005 йил туғилган қизи XXXX тегишли аёллар косметика маҳсулотини солиб қўядиган сумкасини ўғирланганини билганини, кейин уйининг бошқа хонасидан 50.000 сўм пуллари билан ИИБ ходимларини чақириб хабар берганини, тергов пайтида қизи XXXX тегишли аёллар косметика маҳсулотини солиб қўядиган сумкасини топилганини, ўзига 280.000 сўм моддий зарар келтирилганини, шу зарарни судланувчидан ундириб беришни сўрашини айтиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи XXXX 2011 йилдан буён Нукус шаҳридаги Юморбек иморатида гўзаллик салоҳида хозирги кунга қадар ишлашини, ишлаганидан сўнг ойлигидан пул йиғиб қўйишини, 2019 йил ёз ойидан бошлаб 2.000.000 сўм пул йиғиб қўйганини, лекин шу пулларини ўзининг хонасига, яъни шифонер ичида турган куртқаларининг чўнтагига солиб қўйишини, 2019 йил июль ойида ўзига олтин оламан деган мақсадда йиғиб қўйган пулларидан 1.000.000 сўм пулини ўзи кўтариб юрадиган сумкаси ичига солиб ўзи билан бирга 3-4 кун олиб юрганини, 2019 йил 24 июль куни ҳар кунгидек ишдан келиб ўзига тегишли сумкасини хонасидаги шифонер ичига солиб қўйганини, сумкаси ичида ўзига тегишли 1.000.000 сўм пуллар бор бўлганини, шу пуллар 5.000-10.000 сўмлик купюрада бўлганини, шу билан уйда бўлиб кечаси соат 23:00 ларда синглиси билан ётганини, сабаби синглиси шу куни сал мазаси йўқ бўлганини, унга тунда қараб ётаман деган мақсадда ётганини, кейин тунги соат 02:30 ларда туриб ошхонага ўтган вақти мехмонхонасининг ойнаси очик турганини кўриб шу ойнани ёпиб ётганини, турмасидан аввал уйда биров юргандек бўлганини, шу билан ётиб қолганини, эртасига туриб қараса ойналарнинг ҳаммаси очик турганини кўрганини, отам ойналарни очган бўлса керак деб ўйлаганини, шу билан ишга кетаман деб турган вақтида ўзига тегишли сумкасини олиб ичини очиб қараса ичида ўзига тегишли 1.000.000 сўм пуллари йўқлигини кўрганини, ўзи уйдагилар пулларни олган бўлса керак деб ўйлаб уйдагилардан телефон қилиб сўраб чиққанини, аммо уйдагилар пул олмаганини айтганини, сўнг мехмонхонанинг ойнасининг сеткаси тушиб ётганини кўрганини, подокойникда кичгина боланинг оёқ изларини кўриб кўрқиб кетиб ИИБ ходимларига хабар берганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг уйда ўзининг эски “Samsung DUOS” русумли қўл телефони йўқлигини билганини, уйдагилардан суриштирса уйдагилар телефонига тегмаганлигини айтганини, “Samsung DUOS” русумли қўл телефони ҳам ўғирланганини билганини, тергов пайтида “Samsung DUOS” русумли қўл телефони ўзига қайтариб берилганини, ўзига 1.000.000 сўм моддий зарар келтирилганини, шу зарарни судланувчидан ундириб беришни сўрашини айтиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи XXXX 2019 йил XXXX куни тунги соат 24:00 ларда уйда ётоқхонасида ерда кўрпачада бир ўзим ухлаганини, турмуш ўртоғи XXXX билан ховлида, келини XXXX билан боласи Баҳадыр ўз хоналарида ётганини, ўзи ухладан олдин ўзига тегишли “Samsung J 2” русумли қўл телефони 04:20 га будильникга қўйиб ухлагани, соат 05:30 ларда уйғониб кетгани, қўл телефони будильниги жирингламагани, ўрнидан туриб қўл телефони изласа ўрнида йўқ эканини, қўл телефони кўрпачасининг бош тарафига қўйиб ётганини, телефони уйда излаб уйининг дарвозаси очик турганини кўрганини, сабаби ётмасдан олдин дарвозасини ёпиб қўйганини, кейин

келини ХХХХ уйғотгани, унга нимага дарвозани ёпиб ётмадинг деганини, боласи ХХХХ уйғониб кетиб дарвоза илик турган эди ўзим кулфлаб ётганман деб айтганини, телефони ичидан бериб ХХХХ хонасида турган уйга тегишли “Samsung Note 10.1” русумли планшет, наушник ва заряд берувчи ускуналари билан бирга ХХХХ сумкасида 30.000 сўм пуллар йук эканини билганини, шу билан кўча тарафга караб турган ойнаси очик туриб сеткаси йўклигини кўрганини, ховлига чиқиб ХХХХ уйғотиб бўлиб ўтиришни айтиб берганини, кейин ИИБга хабар бериб кўчага чиқиб қараса кўчанинг олдида ўзига тегишли сумкаси ерда ётганини кўрганини, сумкасини очиб қараганида ичидан бирор бир нарсалар ўғирланмаганини билганини, ҳамма нарсаси жойда турганини, кейин ИИБ ходимлари келиб расмийлаштирганини, тергов пайтида 1 дона бозор баҳоси 70.000 сўмлик “Samsung J-2” русумли телефони, 1 дона 15.000 сўмлик “Samsung” русумли заряд берувчи ускунаси, бозор баҳоси 300.000 сўмлик 1 дона аёллар қўл сумкаси, бозор баҳоси 120.000 сўмлик 1 дона аёллар кошелёги, 1 дона бозор баҳоси 50.000 сўмлик “Oriflaem” номли помадаси, 1 дона бозор баҳоси 80.000 сўмлик ёзги кўз ойнаги, 1 дона 10.000 сўмлик купюрадаги пули, 1 дона бозор баҳоси 30.000 сўмлик аёллар ойнаси, 1 дона бозор баҳоси 20.000 сўмлик аёллар тароғи, 1 дона “Хамкор банк”га тегишли пластик картаси, 2 дона ҳар бирининг бозор баҳоси 2.500 сўмлик жами 5.000 сўмлик “Nwork” кофе махсулоти, 2 дона савдо қилганлиги бўйича чеклари, 2 дона бозор баҳоси 5.000 сўмлик оқ-қора изоленталари, 1 дона бозор баҳоси 2.500.000 сўмлик аёллар бриллиант узуги, 1 дона олтиндан ясалган бозор баҳоси 800.000 сўмлик нигоҳ узуги, ҳар бирининг бозор баҳоси 200.000 сўм бўлган жами 400.000 сўмлик 2 дона аёллар кумиш узуклари, бозор баҳоси 1.000.000 сўмлик 1 жуфт аёллар зираклари, уйининг калитлари, савдо қилгани учун 1.000 сўм қайтимига қайтариб берган 4 дона конфет махсулотлари, бозор баҳоси 15.000 сўмлик 1 дона кичкина темир қайчиси, 1 дона бозор баҳоси 5.000 сўмлик ручкаси, 1 пачка бозор баҳоси 5.000 сўмлик нам салфеткалари, бозор баҳоси 3.000 сўмлик 1 дона томчи дори-махсулоти, температурани қайтарадиган 3 пачка ва дамлаб ичадиган 2 пачка дори-дармоқлари, 1 дона ўртacha бозор баҳоси 120.000 сўмлик “Samsung Note 10.1” русумли планшет ускунаси, 1 дона фуқаролик паспорти ва 1 дона нафақа гувоҳномаларини қайтариб олганини, ўзига 5.614.000 сўм моддий зарар келганини, қопланмасдан қолган 30.000 сўм моддий зарардан воз кечишини ва судланувчига кечирим бериб унга даъвоси йўклигини айтиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ ўзи 2019 йил 02 август куни ўзига тегишли “Нексия 2” русумли давлат рақам белгиси 95 G 930 FA русумли автотранспорти билан Нукус шаҳри “ХХХХ”да бўлган концертга ХХХХ билан бирга борганини, соат 22:00 ларда автотранспортини кулфлаб автотураргоҳга қўйиб ўзи концертга кириб кетганини, соат 22:20 да концерт тамом бўлганига укаси ХХХХ билан чиқиб автомашинасининг ёнига келган вақти ХХХХга автомашина ғилдиракларини кўриб юбор, дами чиқиб кетмаганмикан деганини, кейин ХХХХ автомашинасининг йўловчи ўтирадиган эшиги очик турибди деб айтганини, ўзи унга бўлди ушлама деб бориб ойнадан қараганида бардачоги очик турганини, ичидаги 1 дона барсеткаси, 1 дона блакноти, 200.000 сўм пуллари йўклигини кўрганини, пуллари 70.000 сўми 1.000 сўмлик купюрада, қолган пуллари 5.000 ва 10.000 сўмлик купюрада бўлганини, кейин автомашинасининг магнитофонида турган 1 дона 32ГБлик флеш картаси йўклигини кўрганини, ўғирланган барсеткаси ичида ўзига тегишли 1 дона ҳайдовчилик гувоҳномаси ва фуқаролик паспорти бор бўлганини, сўнг дарҳол ИИБга хабар берганини, кейин ИИБ ходимлари келиб воқеа бўйича бўлган ҳолатни

суриштирганини, ҳозирги вақтда ҳайдовчилик гувоҳномасини қайта тиклаганини, қайта тиклаш вақти 289.900 сўм сарфлаганини, иш бўйича ўзига 579.100 сўм моддий зарар келганини, шу моддий зарарни судланувчидан ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ ўзининг икки нафар фарзандлари борлигини, катта ўғли 2013 йил туғилган ХХХХ2019 йил май ойида Нукус шаҳри “ХХХ” савдо кўчасидан 800.000 сўмга қора рангли қичгина велосипед сотиб олиб берганини, ХХХХ шу велосипедини хайдаб юришини, 2019 йил 3 август куни ҳар куни юришдан келиб уйида боллари билан бирга бўлганини, кечаси соат 18:00 ларда ўғли ХХХ ўз велосипедини кўчада уйининг олдида хайдаб юрганини, унга уйга кир деб айтганидан сўнг велосипедини уйга олиб кириб дарвозанинг ичкарасига, яъни кирган жойига қўйганини, кейин ҳаммамиз кечаси уйида бўлганини, 2019 йил 04 август куни эрталаб уйқудан туриб ошхонага борганида ойнасининг сеткаси пастга тушиб турганини, ойнанинг тагида турган стол устида қичгина боланинг оёқ излари турганини кўриб хайрон бўлиб уйга ўғри тушган бўлса керак деб бир қатор кўздан кечирганида ҳеч нарсага тегилмаганини кўрганини, ишга кетмасидан олдин уйга кириш эшигининг олдида ўғли Расулга тегишли велосипед йўқлиги кўрганини, уйдагилардан ва ўғли Расулдан велосипедини қаерда деб сўраганида у эшикнинг ёнига қўйган эдим деб айтганини, шу билан велосипед ўғирлангани тўғрисида ИИБга хабар берганини, тергов пайтида ўзларининг велосипеди қайтариб берилганини, судланувчига даъвоси йўқлигини, унга кечирим беришни айтиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ2019 йил 03 август куни уйга меҳмон келиб кечгача ўтириб кечқурин кетганини, шу билан меҳмонлар ўтирган хонанинг ойнасини очиб қўйганини, сабаби шу хона исиб кетганини, ойна акфа ромларидан ишланганини, кечаси ўзига тегишли “Кобальт” русумли давлат рақам белгиси ХХХХавтомашинаси калитини ошхонада ўтириб музлаткичнинг тепасига қўйиб кетганини, кейин уйдагилар билан ухлаб ётганини, эрталаб уйдагилар уйқудан турганидан сўнг онаси ХХХХ ўзига бозорга бориб келайлик деб айтганидан сўнг майли деб автомашинасини ўт олдириш учун калитини излаганида кечаси музлаткичнинг тепасига қўйиб кетган жойида йўқлигини билганини, уйдагилар олган бўлса керак деб ўйлаганини, уйдагилардан сўраса ҳеч ким тегмаганини билганини, меҳмонхонага бориб қараса ойна очик турганини ва ойнанинг подоколнигида оёқ излари турганини кўрганини, хайрон бўлиб қараса пастда гиламларда оёқ излари борлигини кўрганини, шу билан уйга ўғри тушганини билганини, онаси ИИБ ходимларини чақириб ўғирлик тўғрисида хабар бериб ариза ёзганини, аммо “Кобальт” русумли давлат рақам белгиси ХХХХ автомашинаси ўзига тегишли бўлгани учун ўзи жабрланувчи деб топилганини, ўзига 3.000.000 сўм моддий зарар келганини, лекин ўзи моддий зарардан воз кечиб судланувчига кечирим беришни айтиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ ўғлининг 2018 йил ўзи “Дамас” русумли давлат рақам белгиси ХХХ автомашинасини сотиб олиб турмуш ўртоғи ХХХХ номига расмийлаштирганини, ишончнома орқали шу автомашинани бошқариб келишини, 2019 йил 03 август куни ишларини бўлиб кечаси соат 24:00 ларда уйга келганини, кейин “Дамас” автомашинасини қулфлаб ичкарига кириб дам олиб ётганини, “Дамас” автомашинасининг тепа қисмига ўзи “Бар” ўрнатиб қўйганини, кейин шу барнинг ичига ўзига тегишли автомашинасининг хужжатларини ва 1.000 сўмлик купюрадан жами 500.000 сўм пули бор бўлганини, соат 04:00 ларда қўшнисининг ити шовқим чиқарганига уйғониб кетганини ва ташқарига чиқиб қараса уйининг олдида қўйган “Дамас” автомашинасининг

йўловчи кириб чиқадиган эшигининг ойнаси очик турганини кўрганини, дарҳол салон ичини қараганида салон ичида хужжатлар сочилиб ётганини, хайрон бўлиб тепадаги бар ичини қараса ичида 500.000 сўм пули ўғирланганини билганини, кейин автомашинанинг салон ичини қараганида ХХХХ 300.000 сўмга сотиб олган 1 дона кўрқинчли тепадаги маскеси, 1 дона ёчилиб ёпиладиган пичоғи, 1 дона 1 метрлик ўлчагич метри ўғирланганини билганини, кейин бу хақида ИИБга хабар берганини, ўзига 510.500 сўм маъмурарар етказилганини, тергов пайтида ўзига 1 дона бозор баҳоси 4.500 сўмлик пичоғи қайтариб берилганини, ўзига етказилган қолган моддий эҳтимолини қайтариб берилганини, судланувчига даъвоси йўклигини айтиб берган кўрсатуви билан;

Қозоғистон Республикасига кетиб қолганлиги сабабли суд мажлисига чақириб сўроқ қилиш имконияти бўлмаган жабрланувчи ХХХХ 2017 йил “Матиз” русумли давлат рақам белгиси ХХХХ автомашинасини сотиб олганини, шу автомашина билан киракашлик қилиб пул топишини, 2018 йил “Нексия” русумли давлат рақам белгиси ХХХХ автомашина сотиб олганини, шу “Нексия” автомашинасини ўзи бошқариб юрганини, “Матиз”ни акаси ХХХ бериб қўйганини, у ишончнома орқали бошқариб юрганини, 2019 йил 04 август куни тунги соат 02:00 ларда “Нексия” автомашинаси билан кира қилиб уйига келганини ва автомашинасининг ойнасини ёпиб ичкарига уйига кириб дам олганини, лекин эшикларини кулфламаганини, келган вақти уйининг олдида ХХХХ “Матиз” автомашинасини ҳайдаб келиб уйнинг олдида қўйганини кўрганини, аммо шу автомашина кулфланган кулфланмаганини текширмаганини, уй ичкарисига кириб ухлаб қолганини, эрталаб туриб ХХХ акаси ташқарига чиқиб Матиз автомашинасини текшириб кўрганида эшиклари очик тургани ва ичидаги ўзига тегишли 50.000 сўм пуллари йўклигини айтганини, шу билан ўзи ташқарига чиқиб “Нексия” автомашинасини текшириб кўрганида ичида ўзига тегишли ҳар хил купюрадаги тахминан 200.000 сўм пуллари ва “Матиз” русумли давлат рақам белгиси ХХХ автомашинасининг иккинчи калитини бардачога солиб қўйган жойидан ўғирланганини билганини, шу пулларни ўзининг бар стойкасига солиб қўйганини, “Матиз” русумли автомашинасидаги 50.000 сўм пуллар ўзига Закир ака берадиган ижара пуллари эканини айтиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ ўзи 2015 йилдан якка тадбиркорлик билан шуғилланиб келишини, “ХХХХ” фирмасини очиб юритишини, фирмаси акфа ромларини ишлаб чиқариш билан шуғилланишини, 2019 йил 04 август куни ҳар кунгидек ўз ишларим билан Нукус шаҳри ХХХ туманида жойлашган фирмасига бориб ишда бўлганини, ишга ўзининг “Кобальт” русумли давлат рақам белгиси ХХХХ автотранспорти билан қатнаб юришини, воқеа содир бўлган куни ишга автомашинаси билан келганини, кечаси соат 19:00 ларда ишга келиб автомашинасини иш жойининг олдида қўйиб очик қолдириб кетганини, автомашинасида ўзига тегишли 1.600 АҚШ доллари ва 200.000 сўм пулларим бор бўлганини, 1.600 АҚШ долларини ўзига тегишли “Jeep” номли барсеткасининг ичига солиб автомашинасининг саломидаги бардачокнинг ичига солиб қўйганини, 200.000 сўм пулларни автомашинасининг скорость каробканинг устида турганини, орадан бироз вақт ўтиб шу ердаги ўйнаб юрган кичгина болалар иш жойига келиб ўзига тегишли “Jeep” номли барсеткасини олиб келиб кўчадан топиб олдик деб айтганини, барсеткаси ичини очиб қараса ичида ўзига тегишли фуқаролик паспорти борлигини кўрганини, шу билан дарҳол ташқарига чиқиб автомашинасини кўздан кечирганида автомашинасининг скорость каробканинг устида турган 200.000 сўм пули ҳам ўғирланганини билганини, кейин ИИБга хабар берганини, ўзига тергов пайтида 1 дона бозор баҳоси 25.000 сўмлик “Jeep” номли

барсеткаси, 500 АҚШ доллари ва 333.500 сўм Ўзбекистон сўми қайтариб берилганини, қолган моддий зарарни судланувчидан ундириб беришни, шунингдек тергов пайтида жиноят предмети тариқасида олинган ва Нукус шаҳар ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида вақтинчалик сақланаётган 3 дона “Bluetooth” наушниклар, 1 дона USB шнур, «Lacoste» ёзувли шортик, 1 дона “Adidas” ёзувли футболка, 1 дона “Huawei” русумли уяли телефон ва 1 дона кулоқчинлар ўзига етказилган зарар суммасига ҳисоб беришни ва судланувчидан қолган моддий зарар суммасини ундириб бериш берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ 2017 йил декабрь ойида укаси ХХХХ “Нексия” русумли автомобилсинани сотиб олганини, аммо сотиб олган вақтида ўзининг номига расмийлаштирмаганини, сабаби расмийлаштиришга қўп пул кетади деб расмийлаштирмаганини, аммо шу автомашинани “ХХХХ” такси компаниясига бекитганида ўзига укаси ХХХХ ишончнома бериб ўзига компания томонидан путёвка берилиб қўйганини, шунга асос шу автомашинани бошқариб келишини, 2019 йил 01 сентябрь куни “Нексия” русумли давлат рақам белгиси 95 ХХХХ автомашинани бошқариб ўз иши билан юриб кечаси 24:00 ларда уйига келганини, аммо автомашинасини уйининг олдида қўйиб ўзи ичкарига кириб кетганини, автомашинаси эшикларини кулфлаб кирганини, автомашинаси ичида ўзига тегишли 1 дона қўнғир рангли партман ва шу партман ичида 300 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси 1 дона Асака, 1 дона Ипотека, 1 дона Халк банкларига ва чет эл давлатларига тегишли номига расмийлаштирилган 1 дона Свер банк, 1 дона Золая карона, 1 дона Кари банкиларга тегишли пластик карталари, Қозоғистон Республикасида савдо қилиш учун мўлжалланган Гоод картаси, Тошкент шаҳридаги бунёдкор паркига тегишли пластик картаси, икки дона сим картанинг қобиклари бор бўлганини, автомашинаси бардачегиди ҳар хил купюрадаги 150.000 сўм пулларини қолдириб кетганини, шу билан уйда дам олиб ухлаб эртасига ишга бораман деб ташқарига чиқиб автомашинасига қараганида ҳайдовчи томонидаги эшик ойнаси пастга қараб туширилгани кўрганини, кейин эшикни очиб кўрганида эшик очик турганини билганини, шу билан автомашинасидаги нарсаларини текшириб кўрганида 1 дона қўнғир рангли партман, партман ичидаги 300 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси 1 дона Асака, 1 дона Ипотека, 1 дона Халк банкларига ва чет эл давлатларига тегишли номига расмийлаштирилган 1 дона Свербанк, 1 дона Золая карона, 1 дона Кари банкиларга тегишли пластик карталари, Қозоғистон Республикасида савдо қилиш учун мўлжалланган Гоод картаси, Тошкент шаҳридаги бунёдкор паркига тегишли пластик картаси, икки дона сим картанинг қобиклари, ҳар хил купюрадаги 150.000 сўм пуллари ўғирланганини билиб ИИБга хабар берганини, тергов пайтида 7.000 сўм пули, 1 дона бозор баҳоси 25.000 сўмлик аёллар кошелёги, 1 дона “Авто мактаб кечги ва кундизги ўқув курсларига таклиф қилади” ва 1 дона “Халқ табобати маркази” визит карталари, 1 дона “Bunyodkor park” ва “Good карта” пластик карталари ва 2 дона “Ucell” ва “Мегафон” компанияларига тегишли сим картанинг ташқи пласт карталари, 1 дона ичида 700.000 сўм бўлган “Ипотека банк”, 1 дона “Асака банк”, 1 дона “Сбербанк”, 1 дона “Золотая карона” пластик карталарини тилхат орқали қайтариб олганини, судланувчидан қолган моддий зарар суммасини ундириб беришни унга кечирим бермасликни айтиб берган кўрсатуви билан;

шунингдек, вояга етмаган ХХХХ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноят содир қилинганлиги жиноят ишининг 1-жилд 2-3-варақларидаги жабрланувчи ХХХХ

Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXX йил ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 5-10-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ҳузуридаги Тергов бўлими катта XXXX ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 12-варағидаги жабрланувчи XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXX йил ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 14-15-варақларидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига 26.07.2019 йил ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 16-варағидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги 1-сон ИИБ ЖҚБ тезкор вакили XXXX-йилги ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 23-24-варақларидаги XXXXнинг Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига 26.07.2019 йил ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 25-32-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси РХХХХ ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 33-варағидаги жабрланувчи XXXXНукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXXйил ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 35-36-варақларидаги XXXXНукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хатлари;

ишнинг 1-жилд 37-варағидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги 1-сон ИИБ ЖҚБ тезкор вакили ДХХХХ ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 50-варағидаги жабрланувчи XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ХХХХХ йил ёзган аризаси;

ишнинг 1-жилд 51-58-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ҳузуридаги 3-сон ИИБ Тергов бўлинмаси терговчиси XXXX ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 59,63-варақларидаги жабрланувчи XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXX ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 65-66-варақларидаги XXXXНукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXXёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 67-варағидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги 1-сон ИИБ ЖҚБ тезкор вакили ДХХХХ ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 68-варағидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги 1-сон ИИБ ЖҚБ тезкор вакили БХХХХ ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 92-93-варағидаги жабрланувчи XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXX ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 94-99-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ҳузуридаги 5-сон ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили МХХХХ-йилги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 100-варағидаги ХХХХХ Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ХХХХХ ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 101-варағидаги Нукус шаҳар ИИО ҳузуридаги 5-сон ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили XXXX-йилги ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 102-103-варағидаги XXXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига 04.08.2019 йил ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 104-108-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 4-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирувчиси XXXXX 04.08.2019-йилги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 109-варағидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 110-111-варақларидаги XXXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXX йилги аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 118-122-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 3-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирувчиси XXXX йилги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 123-варағидаги XXXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 124-125-варағидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига 04.08.2019 йил ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 126-129-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 5-сон ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили XXXX-йилги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 130-варағидаги XXXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 131-варағидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 5-сон ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили XXXXX ашъвий далилни олиш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 133-134-варағидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига XXXX йил ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 135-139-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 4-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирувчиси XXXXX ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 140-варағидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 3-сон ИИБ ЖКБ бошлиғи XXXX-йилги ашъвий далилни олиш ҳақидаги баённомаси;

ишнинг 1-жилд 141-варағидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 147-153-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX-йилги ашъвий далил тарикасида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 1-жилд 154-155-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX-йилги далилий ашъ ва жиноят қуроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи XXX тилхати;

ишнинг 1-жилд 168-169-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX-йилги нарсани таниб олиш учун кўрсатиш ҳақидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 1-жилд 170-182-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX ашъвий далил тарикасида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 1-жилд 183-184-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX

XXXX йилги далилий ашё ва жиноят куроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи Б.Арзуованинг тилхати;

ишнинг 1-жилд 235-236-варағидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига 02.09.2019 йил ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 237-249-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 5-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX XXXX-йилги ҳодиса содир бўлишини кўздан кечириш ҳақидаги баёнмаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 1-жилд 250-варақларидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 1-жилд 251-252-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО хузуридаги 6-сон ИИБ ЖҚБ тезкор вакили XXXX йилги ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённомалари;

ишнинг 2-жилд 17-24-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX ашёвий далил тарихида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 25-27-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX далилий ашё ва жиноят куроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи XXX тилхати;

ишнинг 2-жилд 32-34-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX ашёвий далил тарихида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 35-36-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX далилий ашё ва жиноят куроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи XXXX тилхати;

ишнинг 2-жилд 40-42-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX ашёвий далил тарихида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 43-44-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXXX далилий ашё ва жиноят куроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи XXX тилхати;

ишнинг 2-жилд 48-53-варақларидаги ҚР ИИБ Эксперт криминалистика бўлимининг XXXXX-йилги 118-сонли судга оид дактилоскопия экспертизасининг хулосаси, фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 60-61-варақларидаги ҚР ИИБ Эксперт криминалистика бўлимининг XXXX-йилги 119-сонли судга оид дактилоскопия экспертизасининг хулосаси, фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 81-83-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX XXXX-йилги нарсани таниб олиш учун кўрсатиш ҳақидаги баённомаси, фото расми ва И.Утегеновнинг тилхати;

ишнинг 2-жилд 88-89-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси XXXX

XXXX ашёвий далил тариқасида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 90-91-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX-йилги далилий ашё ва жиноят қуроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи XXXX тилхати;

ишнинг 2-жилд 92-93-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXXX XXXX-йилги ашёвий далил тариқасида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 95-96-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси AXXXX XXXX-йилги далилий ашё ва жиноят қуроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва жабрланувчи XXXX тилхати;

ишнинг 2-жилд 100-102-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX-йилги гувоҳ XXXX ва гумон қилинувчи XXXXларни юзлаштириш баённомаси;

ишнинг 2-жилд 106-122-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси AXXXX 17.09.2019-йилги гумон қилинувчи XXXXнинг ихтиёрий кўрсатувларини воқеа содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 135-142-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXX-йилги гумон қилинувчи XXXXнинг ихтиёрий кўрсатувларини воқеа содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 154-155-варақларидаги XXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган аризаси ва тушунтириш хати;

ишнинг 2-жилд 156-160-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 3-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси терговчиси XXXX -йилги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси, чизилмаси ва фото расми;

ишнинг 2-жилд 195-варақларидаги XXXX Нукус шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг номига ёзган тушунтириш хати;

ишнинг 2-жилд 201-204-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX-йилги гумон қилинувчи XXXXнинг ихтиёрий кўрсатувларини воқеа содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото расмлари;

ишнинг 2-жилд 207-208-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX-йилги ашёвий далил тариқасида текшириб кўриш учун олинган нарсаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси ва фото расми;

ишнинг 2-жилд 209-варақларидаги Нукус шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси XXXX XXXX-йилги далилий ашё ва жиноят қуроли деб эътироф этиш, уни жиноят ишига кўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарори ва бошқа тўпланган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Суд вояга етмаган судланувчи XXXXга дастлабки тергов идораси томонидан эълон қилинган айбловни муҳокама қилиб, унга эълон қилинган айблов юқорида кўрсатиб ўтилган далилларга асосан, тергов органи томонидан Ўзбекистон

Республикаси 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрель кунги «Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 6-сонли Қарори 1-бандида жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкни яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланиши ва бундай қилмишнинг йўқлиги деб тавсифлаш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 май кунги «Бир неча жиноят содир қилинганда қилмишни квалификация қилишга оид масалалар туғрисида»ги 13-сонли Қарорининг 28-бандида Жиноят кодекси Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан фақат бу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар ҳаракатигина квалификация қилиниши мумкинлиги, муқаддам ўта хавфли рецидивист деб топилган шахснинг янги содир этилган жиноят учун жавобгарлиги масаласини ҳал этишда шахснинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлик ҳолати фақат судланганлик ундан Жиноят кодекси 79-моддасида белгиланган тартибда олиб ташлангандагина бекор қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Юқоридагиларга асос, суд судланувчи вояга етмаган ХХХХ 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиши ва унга ушбу модда билан жазо тайинланиши лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчига жазо тайинлаш масаласида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти туғрисида»ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, Жиноят кодекси 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти ҳақида»ги Қарори 37-бандида Жиноят кодекси 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган ҳолатда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкинлиги, бунда, қонунга кўра, судлар, шахс жиноят содир этиш вақтида кўзланган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балким айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилар орасидаги роли, жиноят содир этиш вақтидаги ёки

содир этилгандан сўнгги ҳулқ-атвори, жиноятни содир қилиш сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олиши кераклиги тушунтирилган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар тизими қонунда назарда тутилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолатда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатларни ҳам, уларнинг жамини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарари тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг ҳаётга ёроқсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки фарзандининг бошқа боғлиқ бўлиши, айбдорнинг йўқ эканлиги, судланувчининг кекса ёшдагили, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда актив иштироқи, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа ҳилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳақозо).

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрь кунги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандида суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ҳал этаётганда, биринчи навбатда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозимлиги, суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкинлигини, айти вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги хулосаси асослантирилиши шартлиги, 10-бандида вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқаришда уларнинг жиноий қилмишларига ҳолисона баҳо берилиши, уларга нисбатан ЖКнинг 72,87-моддаларини қўллаш масаласини судлар атрофлича, ҳар томонлама муҳокама қилишлари лозимлиги, судлар вояга етмаганларга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаганларида судланганга синов муддати даврида қандай муайян мажбуриятлар юклатилишини (ўқишни яқунлаши, ишга жойлашиши ва ҳоказолар) ҳукмда аниқ кўрсатишлари шартлиги, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланаётганда ЖКнинг 85-моддасини татбиқ этишнинг ўзи етарли бўлиб, ЖКнинг 57-моддасини қўшимча қўллаш талаб этилмаслиги, судланувчига у айбдор деб топилган ЖКнинг махсус қисмининг моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазоларнинг тайинланиш ҳоллари бундан мустаснолиги белгиланган.

Шу сабабли суд вояга етмаган судланувчи XXXXXжазо тайинлашда юқоридаги қонун талабларига ва Пленум қарорлари тушунтиришларига амал қилишни лозим топади.

Суд вояга етмаган судланувчи XXXXга жазо тайинлаганда жиноятнинг ҳолатини ва хавфлилик даражасини (унинг содир қилган қилмиши ЖКнинг 15-моддасига асосан оғир жиноятлар туркумига киришини), қилмишнинг сабаби ва оқибатларни, судланувчининг шахсини, (14 ёшда, муқаддам судланмаган), ЖКнинг 55-моддаси “а,б,ж” бандларига мувофиқ вояга етмаган айбланувчи XXXXнинг айбини енгиллаштирувчи ҳолат чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этганлиги ва жиноятни содир этган вақтда вояга етмаганлигини, ЖКнинг 56-моддаси “м” бандига мувофиқ вояга етмаган айбланувчи XXXXнинг айбини оғирлаштирувчи ҳолат ғараз мақсадларда жиноят содир этганлигини ҳисобга олишни, кўрсатилган ҳолатлар судланувчи томонидан содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий

камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, суд вояга етмаган судланувчи XXXXни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бор деб ҳисоблаб унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 85-моддаси тартибида модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, тайинланган жазоларни ЖКнинг 59,61-моддаси асосан жинойтлар мажмуи бўйича қисман қўшилиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 72-моддаси тадбиқ этилиб, шартли жазо бўлиб ҳисоблаб синов муддатини олгиллашни, ЖКнинг 72-моддаси 2-қисмига асосан синов муддатини ҳисобланишини ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблашни, ЖКнинг 72-моддаси 3-қисмига асосан яшаш жой ўзгариб қолса, бу тўғрисида яшаш жойидаги унинг ҳулқ атворини назорат қилиб борувчи органларига хабар бериб туриш, вақти-вақти билан бу органларда руйхатдан ўтиб туриш мажбуриятларини юклашни, ҳулқини назорат қилиш яшаш жойидаги, яъни Нукус шаҳар Ички ишлар органлари Пробация гуруҳига юклатишни, шахсий кафилик тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, Нукус шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 16-сонли ўрта мактабнинг ўқитувчиси, синф раҳбари XXXXни жамоат тарбиячиси деб эътироф этишни, дастлабки тергов даврида жабрланувчи XXXX ўзига тегишли 1 дона ўртача бозор баҳоси

25.000 сўмлик кулранг, аёлларнинг косметика маҳсулотларини солиб қўядиган сумкаси, жабрланувчи XXXX ўзига тегишли бўлган 1 дона ўртача бозор баҳоси 60.000 сўмлик “Samsung Duos” русумли қўл телефони, жабрланувчи XXXX 1 дона бозор баҳоси 70.000 сўмлик “Samsung J-2” русумли телефони, 1 дона 15.000 сўмлик “Samsung” русумли заряд берувчи ускунаси, бозор баҳоси 300.000 сўмлик 1 дона аёллар қўл сумкаси, бозор баҳоси 120.000 сўмлик 1 дона аёллар кошелёги, 1 дона бозор баҳоси 50.000 сўмлик “Oriflaem” номли помадаси, 1 дона бозор баҳоси 80.000 сўмлик ёзги кўз ойнаги, 1 дона 10.000 сўмлик купюрадаги пули, 1 дона бозор баҳоси 30.000 сўмлик аёллар ойнаси, 1 дона бозор баҳоси 20.000 сўмлик аёллар тароғи, 1 дона “Хамкор банк”га тегишли пластик картаси, 2 дона ҳар бирининг бозор баҳоси 2.500 сўмлик жами 5.000 сўмлик “Nwork” кофе маҳсулоти, 2 дона савдо қилганлиги бўйича чеклари, 2 дона бозор баҳоси 5.000 сўмлик оқ-қора изоленталари, 1 дона бозор баҳоси 2.500.000 сўмлик аёллар бриллиант узуги, 1 дона олтиндан ясалган бозор баҳоси 800.000 сўмлик нигоҳ узуги, ҳар бирининг бозор баҳоси 200.000 сўм бўлган жами 400.000 сўмлик 2 дона аёллар кумиш узуклари, бозор баҳоси 1.000.000 сўмлик 1 жуфт аёллар зираклари, уйининг калитлари, савдо қилгани учун 1.000 сўм қайтимиға қайтариб берган 4 дона конфет маҳсулотлари, бозор баҳоси 15.000 сўмлик 1 дона кичкина темир қайчиси, 1 дона бозор баҳоси 5.000 сўмлик ручкаси, 1 пачка бозор баҳоси 5.000 сўмлик нам салфеткалари, бозор баҳоси 3.000 сўмлик 1 дона томчи дори-маҳсулоти, температурани қайтарадиган 3 пачка ва дамлаб ичадиган 2 пачка дори-дармоклари, 1 дона ўртача бозор баҳоси 120.000 сўмлик “Samsung Note 10.1” русумли планшет ускунаси, 1 дона фуқаролик паспорти ва 1 дона нафақа гувоҳномаларини, жабрланувчи И.Утегенов 1 дона бозор баҳоси 150.000 сўмлик кичкина болалар учун мўлжалланган велосипедини, жабрланувчи XXXX 1 дона бозор баҳоси 4.500 сўмлик шаққи пичоғини, жабрланувчи XXXX “Матиз” автомашинасига тегишли 1 дона калитини, жабрланувчи XXXX 1 дона бозор баҳоси 25.000 сўмлик “Jeep” номли барсеткасини, 500 АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил август ҳолати

бўйича 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан 8666,71 сумни ташкил қилган), яъни 4.333.335 сўм пулини ва 333.500 сўм Ўзбекистон сўм пулини, 1 дона фуқаролик паспортини, жабрланувчи Т. Раимовга 7.000 сўм пулини, 1 дона бозор баҳоси 25.000 сўмлик аёллар кошелёгини, 1 дона “Авто мактаб кечги ва кундизги ўқув курсларига таклиф қилади” ва 1 дона “Халқ таъбири” визит карталарини, 1 дона “Bunyodkor park” ва “Good карта” пластик карталари ва 2 дона “Ucell” ва “Мегафон” компанияларига тегишли сим картанинг ташқи пласт карталарини, 1 дона ичида 700.000 сўм бўлган “Аска банк”, 1 дона “Асака банк”, 1 дона “Сбербанк”, 1 дона “Золотая карта” пластик карталарини тилхат орқали қайтариб олганликлари сабабли жиноятнинг бу томонлари ҳал қилинган деб ҳисоблашни, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг вояга етмаган судланувчи XXXX қонуний вакили ва фуқаровий жавобгар XXXX жабрланувчи XXXX фойдасига 280.000 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 1.000.000 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 579.100 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 350.000 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 9.533.381 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 2.743.013 сўм моддий зарар ундиришни, жиноят предмети тарикасида олинган ва Нукус шаҳар ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида вақтинчалик сақланаётган 3 дона “Bluetooth” наушниклар, 1 дона “USB” шнур, «Lacostf» ёзувли шортик, 1 дона “Adidas” ёзувли футболка, 1 дона “Huawei” русумли уяли телефон ва 1 дона кулоқчинлар жабрланувчи XXXX қайтариб беришни, жабрланувчи XXXX томонидан тақдим қилинган ўғирлик жинояти тушурилган видое лавҳа ёзилган 1 дона ва тергов ҳаракатлари тушурилган 1 дона, жами 2 дона «DVD» форматли дисклар жиноят иши билан қўшиб сақлашни, манфаатдор шахсларга жиноят натижасида ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласини фуқаролик ишлари бўйича судида иш юритиш тартибида ҳал қилиш ҳуқуқи бор эканлиги лозим топади.

Юқоридагиларга ва ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-476-моддалари талабларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Вояга етмаган судланувчи XXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Вояга етмаган судланувчи XXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 85-моддаси тартибида 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Вояга етмаган судланувчи XXXXга тайинланган жазолар ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан жиноятлар мажмуи бўйича қисман қўшилиб, узил-кесил 3 (уч) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Вояга етмаган судланувчи XXXXга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ЖКнинг 72-моддаси тадбиқ этилиб, шартли жазо бўлиб ҳисоблансин ва 2 (икки) йил муддатга синов муддати белгилансин.

ЖКнинг 72-моддаси 2-қисмига асосан синов муддати ҳисобланишини ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ЖКнинг 72-моддаси 3-қисмига асосан вояга етмаган судланувчи XXXXга куйидаги мажбуриятлар юклатилсин: яшаш жой ўзгариб қолса, бу тўғрисида яшаш жойидаги унинг ҳулқ атворини назорат қилиб борувчи органларига хабар бериб туриши, вақти-вақти билан бу органларда руйхатдан ўтиб туриши белгилансин.

Вояга етмаган судланувчи XXXXнинг хулқини назорат қилиш яшаш жойидаги, яъни Нукус шаҳар Ички ишлар органлари Пробация гуруҳига юклатилсин. **Protected by PDF Anti-Copy Free**

Вояга етмаган судланувчи XXXXнинг шахсий кафилик тарзидаги эҳтиёт чораси хукм қонуний кучга киргандан сунг бекор қилинсин. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Вояга етмаган судланувчи XXXXга Нукус шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 16-сонли ўрта мактаб ўқитувчиси, синф раҳбари XXXX жамоат тарбиячиси деб эътироф этилсин.

Дастлабки тергов даврида судланувчи XXXX ўзига тегишли 1 дона ўртача бозор баҳоси 25.000 сўмлик кулранг, аёлларнинг косметика маҳсулотларини солиб кўядиган сумкаси, жабрланувчи XXXX ўзига тегишли бўлган 1 дона ўртача бозор баҳоси 60.000 сўмлик “Samsung Duos” русумли кўл телефони, жабрланувчи Б.Арзуова 1 дона бозор баҳоси 70.000 сўмлик “Samsung J-2” русумли телефони, 1 дона 15.000 сўмлик “Samsung” русумли заряд берувчи ускунаси, бозор баҳоси 300.000 сўмлик 1 дона аёллар кўл сумкаси, бозор баҳоси 120.000 сўмлик 1 дона аёллар кошелёги, 1 дона бозор баҳоси 50.000 сўмлик “Oriflaem” номли помадаси, 1 дона бозор баҳоси 80.000 сўмлик ёзги кўз ойнаги, 1 дона 10.000 сўмлик купюрадаги пули, 1 дона бозор баҳоси 30.000 сўмлик аёллар ойнаси, 1 дона бозор баҳоси 20.000 сўмлик аёллар тароғи, 1 дона “Хамкор банк”га тегишли пластик картаси, 2 дона ҳар бирининг бозор баҳоси 2.500 сўмлик жами 5.000 сўмлик “Nwork” кофе маҳсулоти, 2 дона савдо қилганлиги бўйича чеклари, 2 дона бозор баҳоси 5.000 сўмлик оқ-қора изоленталари, 1 дона бозор баҳоси 2.500.000 сўмлик аёллар бриллиант узуги, 1 дона олтиндан ясалган бозор баҳоси 800.000 сўмлик нигоҳ узуги, ҳар бирининг бозор баҳоси 200.000 сўм бўлган жами 400.000 сўмлик 2 дона аёллар кумиш узуклари, бозор баҳоси 1.000.000 сўмлик 1 жуфт аёллар зираклари, уйининг калитлари, савдо қилгани учун 1.000 сўм қайтимида қайтариб берган 4 дона конфет маҳсулотлари, бозор баҳоси 15.000 сўмлик 1 дона кичкина темир қайчиси, 1 дона бозор баҳоси 5.000 сўмлик ручкаси, 1 пачка бозор баҳоси 5.000 сўмлик нам салфеткалари, бозор баҳоси 3.000 сўмлик 1 дона томчи дори-маҳсулоти, температурани қайтарадиган 3 пачка ва дамлаб ичадиган 2 пачка дори-дармоқлари, 1 дона ўртача бозор баҳоси 120.000 сўмлик “Samsung Note 10.1” русумли планшет ускунаси, 1 дона фуқаролик паспорти ва 1 дона нафақа гувоҳномаларини, жабрланувчи XXXX1 дона бозор баҳоси 150.000 сўмлик кичкина болалар учун мўлжалланган велосипедини, жабрланувчи XXXX1 дона бозор баҳоси 4.500 сўмлик шаққи пичоғини, жабрланувчи XXXX “Матиз” автомашинасига тегишли 1 дона калитини, жабрланувчи XXXX 1 дона бозор баҳоси 25.000 сўмлик “Jeep” номли барсеткасини, 500 АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил август ҳолати бўйича 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан 8666,71 сумни ташкил қилган), яъни 4.333.335 сўм пулини ва 333.500 сўм Ўзбекистон сўм пулини, 1 дона фуқаролик паспортини, жабрланувчи Т.Реимбетова 7.000 сўм пулларини, 1 дона бозор баҳоси 25.000 сўмлик аёллар кошелёгини, 1 дона “Авто мактаб кечги ва кундизги ўқув курсларига таклиф қилади” ва 1 дона “Халқ табобати маркази” визит карталарини, 1 дона “Bunyodkor park” ва “Good карта” пластик карталари ва 2 дона “Ucell” ва “Мегафон” компанияларига тегишли сим картанинг ташқи пласт карталарини, 1 дона ичида 700.000 сўм бўлган “Ипотека банк”, 1 дона “Асака банк”, 1 дона “Сбербанк”, 1 дона “Золотая корона” пластик карталарини тилхат орқали қайтариб олганликлари сабабли жиноят ишининг бу томонлари ҳал қилинган деб ҳисоблансин.

Хукм қонуний кучга киргандан сўнг вояга етмаган судланувчи XXXXнинг қонуний вакили ва фуқаровий жавобгар XXXX жабрланувчи XXXX фойдасига 280.000 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 1.000.000 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 579.100 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 350.000 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 9.535.381 сўм, жабрланувчи XXXX фойдасига 2.743.013 сўм моддий зарар ундирилсин.

Хукм қонуний кучга киргандан сўнг жиноят предмети тариқасида олинган ва Нукус шаҳар ИИО ФМБ аш... лилларни сақлаш хонасида вақтинчалик сақланаётган 3 дона “Bluetooth”... лар, 1 дона “USB” шнур, «Lacostf» ёзувли шортик, 1 дона “Adidas” ёзувли футболка, 1 дона “Huawei” русумли уяли телефон ва 1 дона кулоқчинлар жабрланувчи XXXX қайтариб берилсин.

Хукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи XXXX омонидан тақдим қилинган ўғирлик жинояти тушурилган видое лавҳа ёзилган 1 дона ва тергов ҳаракатлари тушурилган 1 дона, жами 2 дона «DVD» форматли дисклар жиноят иши билан қўшиб сақлансин.

Манфаатдор шахсларга жиноят натижасида ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласини фуқаролик ишлари бўйича судида иш юритиш тартибида ҳал қилиш ҳукуқи бор эканлиги тушунтирилсин.

Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди апелляция инстанциясига, ушбу муддат ўтгандан сўнг кассация инстанциясига шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья:-

(имзо)

И.Калниязов

Хукм нусхаси аслига тўғри:-

И.Калниязов